



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН




№ 167 (8907).

• 1986 йил 29 август, жума •

Баҳоси 3 тийин.



ТОШКЕНТ
САДСОАТ
КОРХОНАЛАРИДА



● ТОШКЕНТ экскаватор заводи мастери Козим Муборовни коллективда кўпчилиги яхши танийди. У мастер бўлган участка коллективни социалистик мусобақада доминаторлар сафига боради.

● «КОМПРЕССОР» заводда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар нафақат Иттифоқимизда, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳур. Суратда: жўнатил-юклар бригадаси бошлиги А. Ғуломов иш устида.

● ПОЙТАХТИМИЗНИНГ кўрки бўлган бинолардан бири — «Москва» меҳмонхонаси.

● ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номи тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цехида реконструкция ишлари низога келтирилди. Натияжада меҳнат унумдорлиги анча ошди, махсулот сифати яхшиланди. Суратда: цехнинг умумий кўриниши.

В. Сироткин, М. Нуридинов, Ҳ. Мирзакаримов, С. Величкин фотолари.



Мутахассис
минбари

• МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

УНУМДОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ

КОЛХОЗИМИЗ пахтакорлари бу йил 1213 гектар ерда ғўза ўстиришди. Давлатга 3810 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилганимиз. Шу мақсадда деҳқонларимиз йил бошидан астойдил меҳнат қилмоқдалар. Сув таъминлигини енгиб, ҳар тул ғўзанинг серхосил бўлиб ўсиши учун зарур тадбирлар қўрилмоқда.

Бу йил янги ҳосилнинг 3467 тоннасини машиналарда териб олишнинг мўлжаллашганимиз. Амалга оширилган ишлар режаси белгиланган. Ҳозирги кунда парваришни давом эттириш билан бирга машина теримига ҳам тайёргарликни кучайтирмоқдамиз.

Областимизнинг бир гуруҳи таъаббускор пахтакорлари издан бориб ҳосилдорликни гектар бошига 37—38 центнерга етказишга сўз берган Холдор Усмонов, Ортинбой Яхшибоев, Турлибек Яхшибоев, Ортинбой Яхшибоевлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари аса ҳосилнинг 92—95 процентини машиналарда териб олишнинг кўзлаб ишлашмоқда.

Ўтган йилги колхозимизда ҳар бир терим машинасида ўртача 134 тоннадан пахта териб олинган бўлса, бу йил машиналар унумдорлигини

157 тоннага етказмоқчимиз. Терим машиналаридан самарали ва унумли фойдаланиш учун айни кунларда пахта майдонлари бегона ўтдан тозалашмоқда. Шу кеча-қундузда деҳқонларимиз ва механизаторларимиз ғўза парваришини бўшаптирмаган ҳолда пахта йиғим-теримига қизғин ҳозирлик қўрмоқдалар. Мавжуд техника масъумияти сифати соддамоқда. Ремонтчилар бригадаси аъзолари 23 та пахта терил, 15 та транспорт тракторларини, 65 та прицеп ва бошқа машина-механизмларни сўнгги марта синовдан ўтказмоқдалар. Бу

йил колхозимизда терим машиналари икки сменада ишлатилади. Шу мақсадда қўшимча 23 механизатор махсус курсда ўқитилди, малакаси оширилди.

Айни пайтда пахта терими билан боғлиқ бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. 5 та замонавий дала шийпонлари, хирмон жойлари, йўл, кўприкларнинг ремонт қилиш, етарли миқдорда тош-торози, этак тайёрланмоқда. Механик Тошкентбой Усмонов бошчилигидаги комплекшлаштирилган отряд аъзолари 15 сентябргача барча майдон-

ларни машина теримига ҳозирлаб қўйишни зиммаларига олишди.

Ўтган йилги ўз агрегатларида 135—150 тоннадан пахта терган Ваҳоб Салимов, Нишоп Абдукаримов, Чиниллат Нурбаев, Қуттибой Дўсимбетов сингари тажрибали механизаторларимиз бу йил 160—170 тоннадан хирмон уйиш мажбурийятларини олишди. Бригадалар, механик-ҳайдовчилар, теримчилар ўртасидаги ғўза ор социалистик мусобақага ҳар беш кунда яқин ясалди. Илгорлар моддий, маънавий рағбатлантирилиб, уларнинг тажрибаси оммалаштирилди. Ҳойлар шарафига шон-шувур байроғи кўтарилди.

Ҳозирги кунда ғўза дефоляциясига қизғин ҳозирлик қўрлямиз. Бу йил колхозимизда барча пахтазорлар

тракторлар ёрдамида ишлатилди. Мавжуд 8 та ОБХ дурнагич механизмлари сифатли ремонт қилиниб мавсумга шай қилиб қўйилди. Дефоляцияни биз ҳар тул ғўзда ўртача 2—3 тадан пахта очилганда табақалаб ўтказамиз.

Хуллас колхозимизда сўзлар йилида давлатга мўл ва сифатли пахта етказиб бериш учун астойдил кўраш бошланди. Механизаторларимиз ҳам белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар. Терим машиналаридан самарали фойдаланиб, етиштирилган ҳосилни тез ва нобудгарчиликсиз йиғиштириб оламиз.

Т. ЕСЕНБОВЕВ,
Оқсуғон районидagi «Ленин» колхозини бош инженер.

БИОЛОГИК УСУЛ САМАРАСИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидagi Карл Маркс номи колхозда бу йил ғўза зараркундаларига қарши юз фоиз биологик усулда курашилди. Хўжаликда куриб ишга туширилган биофабрика бунда жуда катта иш берди.

Биологик усул туфайли аввало колхозимизда кўплаб маблаг иқтисод қилинди, дейди колхоз раиси Т. Орпов. — Иккинчидан у атроф-муҳитни музаффо сақлашга катта роль ўйнаётди. Келгусида биофабрика тўла қувват билан ишлаб бېлағач бу ерда жонланган биологик табиғат ва трихотрофа сингари фойдали ҳашаротлар қўшни хўжаликларнинг дала-ларини ҳам зараркундалардан тозалайди.

Биологик усул пахта дала-ларида қайта-қайта тракторларнинг юришига чек қўйди. Бу ҳосил сифатининг юқори бўлишига ҳам катта самара бериши кутилмоқда. 1986 йилда колхоз деҳқонлари 1100 гектар ерда пахта етиштиришмоқда. Давлатга жами 3080 тонна «оқ олтин» етказиб бериш режалаштирилган. Бу мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун колхознинг барча бригадаларида иш низога боришти. Айниқса, Усмонов Астон, Мустафо Шахвиев, Холдор Нигматуллаев сингари тажрибали деҳқонлар бошчилиги қилётган бригадаларнинг пахтакорлари мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келишяпти.

Ф. МУҲИДИНОВ.

• Фан—қиллоқ хўжалигига ЯНГИ ЗОТ ЯРАТИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН чорвачилик илмий тадқиқот институтининг бир гуруҳи олимларининг кўп йиллик изла-нишлари натижасига етди. Бу ерда қўйларнинг янги «Ўзбек сержун гўштдор» деб номланган зотини яратишга муваффақ бўлишди.

Тажрибалир Охангарон, Паркент, Ўзбекистон зона-ларида олиб борилди. Республикамиздаги жайдари қўйлар тизги жушли Қаназа-нинг «Меринос» зотли қўй-ларига, улардан олинган ду-рагай аса Англиянинг «Лин-коль» зот қўйига қаттишти-рилиб республикамиз икли-ми ва шароитига мос, сан-ат учун қимматбаҳо хом ашё ҳисобланган «кросс-бред» жушли сержун гўшт-дор қўй зоти яратилди.

— Ҳозир яйловларда бо-қилаётган жайдари қўйлар-дан, — дейди институт қўй-чилиги бўлимининг бошлиғи М. Хайдаров, — янги зот ўзининг сермахсуллиги ва тез етилиши билан фарқ қи-лади. Бу қўйлар совлиқла-рининг ҳар оз бошидан 1,5 яшарлигидан бошлаб 110

тагача қўзан олиш мумкин. Шунингдек, яратилган ян-ги зот қўйларининг ҳар би-ридан йилга ўртача 3—3,5 килограммдан ошриб юқо-ри сифатли жун қириб олинмоқда. Агар қўйларни зооветеринария қондала-рига қатъий амал қилган ҳолда парвариш қилинса янада юқори натижалар қўлга киритилади.

Паркент районидagi «Ком-муна» совхозига сержун-гўштдор зотли 4500 бош қўй келтирилди. Тажриба-лар шуни кўрсатдики, хўжа-ликда жун етиштириш қари-иб икки баравар қўлайди. Ҳар бир қўйдан ўртача 10 сўмдан даромад олинди. Районнинг бошқа хўжалик-ларида аса бу кўрсаткич 5 сўмни ташкил этади.

Институт олимлари ҳозир-ги пайтда қўйларнинг мўл гўшт, жун ва ёғ берувчи махсулдор зотларини кенг ёйиш борасидаги ишларни давом эттиришмоқда. Кел-гусида янги зот қўйлар барча областларда боқилади.

Р. ХУДОЕВОВ.

ТЕХНИКА ТАРАҚИЕТИ ЙЎЛИДАН

САМАРАСИ 7,6 МИНГ СЎМ

«ЧИРЧИКСЕЛМАШ» за-водининг қўйиш цехи ишчи-лари А. Анорбоев ва Р. Пе-рин металлнинг иқтисоди қи-лиш, қўл меҳнати сарфини камайтириш бўйича катор рационализаторлик тақлиф-ларининг авторларидир. Яқинда уларнинг яна бир тақлифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Цехдаги транспортёрлар муфтаси па-

леплар ёрдамида улаб қўй-ларди. Бунинг натижасида муфта, палец, электроду-гель ва редукторлар тез-тез бузилиб турарди. Рационали-заторлар палецлар ўрнига ремеллардан фойдаланишни жорий этдилар. Бу янгилик йилга 7,6 минг сўмлик са-мара келтиради.

Э. РИЖИКОВА.

ТИНЧЛИКНИ МЕҲНАТИМИЗ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

ЯДРО ПОРТЛАТИШЛАРИГА МОРАТОРИЙНИ УЗАЙТИРИШДАН ИБОРАТ КПСС ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ ЯНГИ ТИНЧЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ХОЛИС НИЯТЛИ ҚИШЛАРИНИНГ ҲАММАСИ АСТОЙДИЛ ҚўЛЛАБ ҚУВВАТЛАМОҚДА. ОБЛАСТИМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲАМ ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҒАМҲҲҲРЛИККА ЖАВОБАН ЗАРБДОР МЕҲНАТ ҚИЛИБ ВАТАН ҚУЧ-ҚУДРАТИНИ ОШИРИШГА, МАМЛАКАТ СОЦИАЛИСТИК ТАРАҚҚИЕТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИНИ ЗУР ҒАЙРАТ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШГА, ШАЙ ЭКАНЛИКЛАРИНИ ИЗҲОР ҚИЛМОҚДАЛАР.



АНГРЕН. 1986 йил 26 август. Шаҳарлар шаҳрининг В. И. Ленин номи марказий майдонида янги совет тинчлик ташаббусини қўлаб-қувватлашга бағишланган меҳнаткашларнинг умум-шаҳар намоийиши бўлиб ўтди. Суратда: оммавий митинг пайти.

О. Иванов фотоси.

ЗАРБДОРЧАСИГА ИШЛАЙМИЗ

МЕН урушнинг оғир йил-ларини бошимдан кечирган-ман. Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб совет болалари каби менинг ҳам болалигимни ўнгирлаган. Бахтли бола-ликни урушга бой бериш аса тенгдошларим ҳаётида бир умр ўчмас алам бўлиб қолганлигини яхши ҳис эта-ман. Урушдан кейинги тинч-курлиш йилларида воёга етиб Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга келдим.

Мен ва менинг тенгдош-ҳамкасбларим уруш жаро-ҳатларини тутатиш учун ғайратимизга-ғайрат қўшиб илжон борича кўп ва сифат-ли махсулот ишлаб чиқа-ришга ҳаракат қилар эдик. Ана шу кўтаринки руҳ ҳа-мон — 30 йилдан буён да-вом этиб келяпти. Махсу-лотларимиз фақат тинчлик учун хизмат қилапти. Биз бундан буён ҳам тинчлик учун фаровонлик учун

меҳнат қилишни истаймиз. КПСС Марказий Комите-тининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг Совет телевидениеси орқали бер-ган янги тинчлик Баёниги ҳаммамизнинг ўйимиздаги ва дилимиздаги гаплардир. Умид қиламизки, бу гаплар америкалик бир гуруҳ уруш-парастларини ҳам ўйлашга мажбур этади, инсофга ча-қиради.

Е. ГУБИНА,
Тошкент тўқимачилик ком-бинатининг тўқувчиси, Со-циалистик Меҳнат Қаҳра-мони, КПСС XXVII съез-дининг делегати.

ОСОЙИШТАЛИККА НЕ ЕТСИН

Тинчликка, осойишталик-ка нима етсин. Шундай бўлса кўнглинг тўқ, меҳна-тинг унумли бўлади. Меҳр ва ихлос билан ишлаб, бо-лачака тарбияси билан шу-гулланишга ҳам вақт топи-лади. Қўллашиб халқ ишига бугун кечадан, эртага аса бугунгидан кўпроқ наф кел-тиришни ўйлабсан, киши.

Шунинг учун ҳам Комму-нистлик партиясиз ва Совет ҳукуматимиз бугун дунёда мустақам тинчликни қарор

топтириш учун астойдил ку-рашмоқда, улкан ишларни амалга оширмоқда.

Бу — ҳамма қатори биз колхозчи деҳқонлар, меха-низаторларни ҳам руҳлан-тирмоқда. Шу бонс ўзимиз-нинг қаҳрамонона меҳнати-ми билан тинчлик ишига кўпроқ ҳисса қўйишнинг ша-рафли бурчимиз деб бил-моқдамиз.

Ҳозир далаларимизда иш қизғин. Ингим-теримга тай-ёргарлик авж олдириб юбо-

рилган. Механизаторлар те-римда юқори кўрсаткичлар-га эришиш учун ҳамма чо-раларни кўрмоқдалар.

Мен бу йил ўз агрегатим билан ўтган йилдагидан ан-ча кўп пахта териб беришга аҳд қилганман.

Биргина мен эмас, ёним-даги дўстларим, ҳамқишлоқ-ларим ҳам яхши ва ҳолис инит билан, кўтаринки руҳ-да меҳнат қиламиз. Дунё-да барқарор тинчлик бўли-ши учун қўлдан келган ҳамма ишни қиламиз.

Б. НУРИЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидagi Энгельс номи колхозининг механизатори.

